



Ибни Аббос розияллоху анху айтади: «Жаброил Расулуллох соллаллоху алайхи васалламга энг аввал: «Эй Мухаммад, Аллохдан панох сўранг, сўнг Бисмиллахир рохманир рохийм», денг», дедилар.

Яна ибни Аббос розияллоху анху айтади: «Расулуллох Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам токи «Бисмиллах» нозил бўлмагунча сураларнинг тугашини билмасдилар.

Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху айтади: «Токи бисмиллах...» нозил бўлмагунча иккита суранинг орасини ажратишни билмас эдик».

Абдуллох ибн Нофеъ отасидан, у киши эса Абдуллох ибн Умардан, у киши: «Бисмиллахир рохманир рохийм» хар бир сурада нозил бўлгандир, деган.